

## КУЗГИ БУҒДОЙ УНИБ ЧИКИШИГА МУХИТНИНГ ТУРЛИ ШУРЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Барно Хушнудовна Хужаниёзова

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

[b.x.xujaniyazova@bixdu.uz](mailto:b.x.xujaniyazova@bixdu.uz)

### АННОТАЦИЯ

Тупроқ шўрланиши яъни тупроқ эритмасида тузлар эритмасианонинг ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлиши, буғдой ўсимлигининг ўсиб ривожланиши учун салбий таъсир кўсатиб ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Мураккаб экологик шароит буғдой ўсимлигининг ҳосилдорлигини пасайтириш билан бир вақтда хўжалик учун муҳим бўлган маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади. Буғдой ўсимлигининг шўрланишга чидамлилигини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолари бўлиб колмоқда. Ўсимликларнинг шўрланишига чидамлилигини орттиришнинг энг самарали экологик тоза усули бу экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ишлаб чиқаришга жадал жорий қилишни тақоза этади.

**Калит сўзлар:** Туз, денгиз суви, классик генетика, Бридинг услуги, кузги ва баҳорги буғдой, ўрта пишар, кеч пишар, шўр, қурғоқчилик.

### ABSTRACT

Soil salinity i.e. the presence of a solution of salts in the soil solution above the alternative level for plants, leads to a decrease in productivity, which has a negative impact on the growth and development of wheat plants. Complex environmental conditions lead to a decrease in product quality, which is important for the economy, while reducing the yield of wheat. Improving the salinity resistance of wheat remains one of the most pressing issues today. The most effective environmentally friendly way to increase the resistance of plants to salinity is to create varieties that are resistant to these extreme conditions and to accelerate their introduction into production.

**Keywords:** Salt, seawater, classical genetics, Briding style, autumn and spring wheat, medium ripening or late ripening, saline, drought.

## КИРИШ

Биринчи маротаба юмшоқ кузги буғдойнинг нав намуналари тоққослаш асосида шўрланишга чидамлилиги ўрганилди ҳамда қимматли хўжалик белги ва шўрга чидамлилиги хусусияти бўйича баҳо берилди. Ўрганиш натижасида танлаб олинган нав намуналари шўрга чидамлик, эртапишарлик, қурғоқчиликка, иссиққа касалликларга ва ўсимликларнинг ётиб қолишига чидамлилиги, моҳсулдорлиги, дон сифати, 1000 дона дон вазни бўйича селекцияда шўрланишга чидамли юмшоқ кузги буғдойнинг янги навларини яратиш ишларида бошлангич маъна сифатида фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимги маҳаллий буғдой навлари минг йилликлар давомида қийин иқлим шароитида етиштириш орқали ривожланган ва бу табиий жараёнлар савдо жараёнида деҳқонлар томонидан уруғ алмашинуви, шунингдек, буғдой популяцияларининг турли муҳит шароитларига мослашишини ўз ичига олган. Ландрасе ўсимликлар нафақат турли хил аллеллар ва генотипларни, балки турли хил популяциялар орасидаги генлар оқими каби еволюцион жараёнларни ҳам ўз ичига олади Чучук сув миқдори йилдан–йилга камайиб бораётганлиги сабабли суғориладиган деҳқончиликда минераллашган ва денгиз сувларидан фойдаланиш зарурияти туғилади. Шунинг учун ўсимликларнинг шўрланишга мосланиш механизмларини билиш, уларнинг чидамлилигини оширишда генетик, физиолого-биокимёвий ва агробиологик хусусиятларини ўрганиш талаб қилинади

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Буғдойнинг шўрланишга чидамлилигини ген инженерлиги, бридинг ва хужайра культураси услубларида тажрибада синаб ўрганиб кўриб бу уччала йўналишнинг иқтисодий самарадорлиги бир хил эмаслигини аниқлаган. Бу тажрибада таркибида 30-40 г/л туз билан денгиз суви 10 мартагача суюлтирилиб ушбу буғдой ўсишига таъсири ўрганилганда Бридинг услуби яъни классик генетика услубида яхши натижаларга эришилган. Хужайра культураси *in vitro* келажакка умидни янада оширган. Ген муҳандислиги имкониятлари чексиз эканлиги аниқланиб, аммо ҳозирча кам ишоничлидир деб таъкидланган. Ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигини оширишда ДНК



рекомбинациясидан фойдаланиш туфайли ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин эканлиги исботланган. Ҳозирги кунда ушбу технология асосида антибиотикларга, гирбицидларга ва бошқа моноген характерга эга бўлган экстремал омилларга нисбатан чидамли бўлган ўсимлик формалари яратилган. Шунини айтиб ўтиш керакки, шўрланишга чидамлилиқ бу организмнинг ўзига ҳос эволюция жараёнида шаклланиб келган хусусиятларидан биридир. Унинг асосида ҳужайра ташқарисидаги ионлар миқдори у ёки бу даражада бўлганда цитоплазманинг гомеостазини ушлаб туришда асосан икки гуруҳ ижро механизмлари қатнашади (Удовенко, 1995).

Буғдой турларининг асосий белгилари қуйидагича: 1. Бошоғи қилтиқли ёки қилтиқсиз 2. Туклилиги 3. Бошоқнинг ранги (оқ, қизил, қора) 4. Қилтиқнинг ранги (бошоқнинг ранги билан бирдек ёки қора қизил) 5. Доннинг ранги (оқ, қизил, сарғиш, қизғиш, қизил-қўнғир ва қўнғир). Ҳар бир турнинг ўзи бир нечта навларга бўлинади. Улар асосан морфологик, биологик ва ишлаб чиқаришда қўллаш ўзгачаликлари бўйича ажратилади. Бир турнинг ўзида кузги ва баҳорги, ўрта пишар ёки кеч пишар бўлиши мумкин. Улар қишги совуққа, шўрга, қурғоқчиликка чидамлилиги, пишгандан сўнг тўкилиб қолмаслик хусусияти, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги бўйича бир-биридан ажралиб туради. Мавжуд экилган ва униб чиқиб кўчат олинган буғдой нав намуналари устида олиб борилган фенологик кузатишлар натижасида, уларнинг ўсиш даври аниқланди. Унга кўра эртапишар, ўртапишар ва кечпишар хусусиятларига эга нав намуналарига ажратилди. Униб чиқиш фазаси ўсимликларда биринчи ҳақиқий барг шаклланиб бўлган кундан бошлаб белгиланди. Бу даврда буғдой нав намуналарининг ўтиш ўзгачаликларини аниқлаганимизда, нав намуналари ўзларининг биологик ўзгачаликларидан фазалар оралиқ ўзгачаликка эга эканлиги аниқланди. Кузатишлар натижаси бўйича андоза нав “Краснодар-99” экилган кундан сўнг ўртача 16 кунда униб чиқиб бошлаб, 18 кун ичида тўлиқ униб чиққан бўлса, ўрганилган нав намуналарида бу кўрсаткич 18-25 кунни ташкил қилиб, уларнинг генотипига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Дистилланган сувда ивитиб NaCl (g/l) ҳар хил концентрациясида экилган уруғларнинг 5 кунда унвчанлиги

1	Krasnodar-99	99	100	100	100	100	99	100	100	99
2	10CWA-25	100	99	96	95	100	100	100	100	100

3	10UZMLY7	99	99	99	96	99	99	100	97	100
4	10UZMLY9	100	100	100	99	99	99	100	100	100

## ХУЛОСА

Кузги юмшоқ буғдой нав намуналарини шўрланган тупроқ шароитида экиб уларнинг белги ва хусусиятларини ўрганиб қуйидаги хулосага келинди: Олинган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкин, буғдой нав намуналарининг униб чиқиш ҳолатига тупроқнинг шўрланиш даражаси ўз таъсирини кўрсатиши маълум бўлди.

## REFERENCES

1. Usmonova G. I., Xo'Janiyozova B. X., Ochilova G. A. TUPROQNING BIOLOGIK FAOLLIGIDA MIKROORGANIZMLAR ROLI AZOTOBAKTERNING XUSUSIYATLARI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 139-143.
2. Дустова М. Т., Хужаниёзова Б. Х., Умедов А. М. BIOXILMA-XILLIKNI SAQLASHNING AMALIY YO'LLARI //Журнал Технических исследований. – 2020. – Т. 3. – №. 3.
3. Usmonova G. I., Ochilova G. A. TUPROQNING BIOLOGIK FAOLLIGIDA MIKROORGANIZMLAR ROLI //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 63-67.
4. То'ymuroдовна А. Н., Иброхимовна У. Г. SOIL COMPOSITION AND ITS EFFECTS ON FERTILITY IN ROMITAN DISTRICT //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 701-704.
5. Sh, A. S., Kulmamatova, D. E., Babaev, S. K., Alloberganova, Z. B., Hodzhaniyozova, B. H., & Allanazarov, S. B. (2021). Quantity of Pigments in Leaves of Old Local Wheat Varieties of Uzbekistan under Irrigated Conditions. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3249-3253.
6. Amonova D. B., Matniyazova H. X. Enzymes in Soybean Leaf and Seed //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2022. – Т. 2. – №. 7. – С. 196-198.
7. Дустова М. Т., Хужаниёзова Б. Х., Умедов А. М. INSONING TABIATGA TA'SIRI NATIJASIDA EKALOGIYANING BUGUNGI KUNDAGI HOLATI //Журнал Технических исследований. – 2020. – Т. 3. – №. 3.

